



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 7 сентябрь, чоршанба

№ 73 (11.772)

Эркин нарҳда сотилади

**«Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — рангли шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Жамоа ишлаб чиқараётган олти турдаги бинокорлик материаллари — 8 түлқинли шифер, ясси шифер, керамикали черепица, асбоцемент қувурлар ва гишт ҳамisha хариддоргир. Эндиликда қизил, яшил рангли бежирим шиферлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буюртмага кўра шу кўнча 20 минг донга ана шундай шиферлар тайёрланди. Умуман олганда жамиятда йилига ўрта ҳисобда 8-9 миллион дондан зиёд турли хил рангдаги шиферлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Утган йили 21 миллиард 464 миллион 700 ми




## КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлади, — дейди акциядорлик жамияти раиси Исмоил Исмаилов. — Шу йил

нинг етти ойида эса бу ракам 14 миллиард сўмдан ошди. Яқинда маҳсулотларимиз турлари қаторига курук

чиқиндилардан тайёрланган 400x200 миллиметр ўлчамли гиштлар ҳам қўшилди. Навбат — бинолар деворлари

ҳамда унинг полларини пардозлашда ишлатиладиган керамикали плиталар ишлаб чиқаришга келди.



Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Қозғоғистон, Грузия, Арманистон, Туркменистон ҳамда Озарбайжон давлатларига ҳам етиб бормоқда.

Яна бир янгилик, Корхонада янги компрессор маҳмуаси курилиб, фойдаланишга топширилди. Энди ҳар йили 150 миллион сўмлик маблағ иқтисод қилинадиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, «Оҳангароншифер» маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил кириб бормоқда.

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти машинисти Алишер Норбеков; тайёр маҳсулотлар цехининг умумий кўриниши.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Истеъмолчи манфаати

## ҚОНУНИЙ ҲИМОЯ — ЭРКИН ҲАРАКАТ ГАРОВИДИР

Ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларига нисбатан истеъмолчи мақомига эга. Улар тили, дини, irqи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятда тугган макъидан қатъи назар истеъмолчи ҳисобланадилар ва қонун олдида баробардирлар. Шу муносабат билан утган йиллар мобайнида республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашга доир қатор қонунлар ва бошқа меъърий ҳужжатлар қабул

қилинди. Улар инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир. Мухбиримиз истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, истеъмолчилар манфаатлари ҳусусида жамиятнинг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Комилжон Шодиметов билан суҳбатлашди.

— Бугунги кунда истеъмолчиларнинг тақдирига дахлдор масалалардан бири иқтисодий эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир, — деди Комилжон Шодиметов.

— Шунинг учун бу масала мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили қабул қилинган «Истеъ-

молчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни истеъмолчиларнинг белгилаб қўйилган ҳуқуқларининг давлат томонидан

(Давоми 2-бетда).

## ҚИРҒИЗИСТОН СИЁСАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ОМИЛИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тарқатган баёнотда БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасига айблов мавжуд. Ўзбекистоннинг олий ҳуқуқ-тартибот органи ушбу халқаро ташкилотнинг андшонлик қочқинларни Қирғизистондан учинчи мамлакатларга олиб чиқиш кетиш бўйича амалга оширган ҳаракатини террорчилар ва жиноятчиларни ҳимоя қилиш, деб баҳолади.

Шу тариқа, юқорида келтирилган Бош прокуратура мурожаатининг муаллифи дейиш мумкин бўлган Ўзбекистон раҳбарияти ўз қочқинлари масаласи бўйича нуктаи назарини аниқ баён қилди. Ўзбекистон раҳбарияти Андижон фожиясига доир халқаро текширув ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни нафақат маъқулламади, балки бунга ахборот орқали қарши ҳужумга ўтди. Бу борада Тошкентнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доира-

сидаги янги иттифоқдошлари — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Хитой ва Россияга қатта умид боғлагани шубҳасиз. Мурожаатда Қирғизистон ҳуқуқ-тартибот хатти-ҳаракатига нисбатан ҳам салбий фикр билдирилган кишининг диққатини ўзига тортади. Ушбу ҳужжатда БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси ва Қирғизистон томонининг бу хатти-ҳаракатлари «мазкур нуфузли ташкилотнинг

хайрли мақсад ва вазифаларини фақатгина обрўсизлантиришга ҳизмат қилаётгани» таъкидланган. Шу ўринда савол туғилади: Тошкентга Қирғизистон раҳбарияти ҳаракатида айнан нима ёқмади? Қочқинларнинг ҳаммасини ўз юртига қайтаришнинг иложи йўқлиги аён эди ва қўшни давлатнинг расмий шахслари уларнинг келгуси тақдирини ҳал этишга даъвогар эмасликлари ни бир неча бор таъкидлади. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъкидлашча, бу масалада хавфли жиноятчилар, репрессивлар ҳамда «Акримилар» диний-экстремистик ташкилотининг етакчилари бўлиш Андижон кўзголининг 29 нафар фаол иштирокисчи қийинчилик туғдириди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 сентябрь.

И. КАРИМОВ.

## Янги ўқув маркази

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Германия ва Швейцариянинг «Shlafhorst», «Sauger Group» фирмаларининг гранти асосида замонавий йиғирув дастгоҳлари билан таъминланган ўқув маркази очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мазкур олий ўқув юрти ўқитувчилари, талабалар, хорижий ишбилармонлар иштирок этдилар.

Хайрли мақсадга хизмат қилувчи мазкур ўқув марказида пахтани аралаштирувчи, тозаловчи, плиталовчи, пилликовчи ускуналар билан бирга пневмомеханик йиғириш, қайта ўраш, калавани пишитиш ва ҳавони тозалаш бўйича замонавий ускуна ва дастгоҳлар бор. Марказ талабалар олган назарий билим ва кўникмаларини амалда мустақамлаш, тўқимачилик соҳасида илмий излашлар олиб бориш, рақобатбардор маҳсулотлар яратиш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетада ва мутор элчиси Ханс Йоахим Кидерлен иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Республика Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдан ташқари бешинчи бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бошқарув аъзолари, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этишди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўтган давр мобайнида аҳолининг тиббий маданиятини оширишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, ёшларнинг репродуктив санолатлиги, соғлом оилани шакллантириш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ҳамда никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўттишининг мижозини тўшунтириш учун турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

Йиғилишда хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисоботлари тингланди, муҳокама қилинган масалалар юзасидан келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

«Туркистон-пресс».

## Вилоят Хаёти

### НАВБАТДАГИ ТЕНДЕР

Вилоят ҳокимлигида Зангиота туманидаги Аҳмад Яссавий, «Гулистон», «Ўзбекистон» маҳаллаларини газлаштириш ҳамда Янгийўл тумани болалар шифохонасини капитал таъмирлаш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди.

Ушбу курилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича 6 та курилиш ташкилоти ўз таклифлари билан иштирок этди.

Маҳаллаларни газлаштириш бўйича «Промарматура» қўшма корхонаси голбиллик

ни қўлга киритди. Шифохона таъмири бўйича берилган таклифлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, бу ишлар талаб даражасидаги курилиш ташкилотига топшириладиган бўлди.

Равшан РУСТАМОВ.

### «ВАТАНПАРВАР» АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Чегара қўшинлари қисмида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши учрашув ўтказди. «Миллий армиямиз — мустакил Ўзбекистонимиз тикчиликнинг кафолатидир» мавзусидаги бу тадбир «Ватанпарвар» ташкилотининг чегара қисмлари жангчилари билан яқин ҳамкорлигининг намоёнчилиги айланди.

Учрашувда миллий армиянинг қудрати, унинг жанговар ҳарбий салоҳиятини оширишда мудофаага қўмаклашувчи ташкилотларнинг роли ошиб бораётганига алоҳида таъкидланди. Учрашув қатнашчилари миллий армиямиз Ватанимиз

тинчилигининг мустаҳкам кафолати эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Хизматни намунали ўтаётган жанговар ҳарбий тайёргарлик аълочиларига эсдалик совғалари топширилди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

### ИСЛОХОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ ва тадбиркорлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси шаҳар кенгаши ҳамда бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ютуқларга бағйишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда назорат органлари вақиллари ва тадбиркорлар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда шаҳарда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш бўйича олиб бо-

рилайётган ишлар, юзага келаятган муаммолар муҳокама қилинди. Ёшларни тадбиркорлик ҳаракатларига жалб этиш борасида таклифлар билдирилди.

Ёқуббек ЭРКАЕВ.

### НАМУНА КЎРСАТГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Қасаба уюмчалари Тошкент вилояти бирлашмаси кенгашининг раёсати болаларни ёзга дам олдириш ва соғломлаштириш яқунларини қиларди. Вилоятдаги жами 54 та оромгоҳда 24 минг 110 бола ёзги мавсумни кўнгилли ўтказди.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси қасаба кўмитасида мактаблар қошидаги оромгоҳларда кам таъминланган оилаларнинг 710 фарзандини соғломлаштирди. «ОКМК» очик акциядорлик жамияти қасаба кўмитаси кам таъминланган ишчи-хизматчиларнинг 297 фарзандини «Тонг» оромгоҳида бепул дам олдириди.

Болаларни ёзги дам олдиришнинг намунали ташкил этган «Хумо», «Тонг», «Келажак» оромгоҳларининг жамоалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини муваффақиятли ўтказишга хисса қўшган бир гуруҳ қасаба фаолларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

2006 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

Истеъмолчи манфаати

Химояланиши ҳамда ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочиларнинг истеъмолчилар олдига жавобгарлигини таъминлади. У сотиб олинган товар, бажарилган иш, хизмат белгиланган талабларга биноан тайёрланган, инсон ҳаёти, соғлиги, атроф-муҳитга хавфсиз бўлиши шарт.

Хар бир истеъмолчи ўзига етказилган мулк, моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, етказилган зарарлар сотувчи, ишлаб чиқарувчи, иш, хизмат кўрсатувчи томонидан кафолат шартлари мuddати ичида қоплаб берилиши керак.

Ҳозир ҳар қандай тегишсиз назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органининг руҳини билан режа асосида ўтказилиши белгилаб қўйилган бўлиб, натижада, текширишлар йилдан-йилга камайиб, икки-уч йилда бир марта ўтказиш механизми шаклланди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний аралашувга барҳам бериш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини химоя қилиш тизимини янада шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Бозор иқтисодларини чуқурлаштириш ва иқтисодий этини янада эркин-

лаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»-ги қарор ҳамда «Микро-

дан бузилганда ким ва қандай жавобгарликка тортилади? — Қонуinning 27-моддасига кўра, монополияга қарши фаолиятини амалга оширувчи давлат органи ва унинг худудий тузилмалари истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган ҳолда, ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчи тадбиркорларга нисбатан тегишли

ҚОНУНИЙ ҲИМОЯ — ЭРКИН ҲАРАКАТ ГАРОВИДИР

фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»-ги фармон ва қарорлари чиқарилди. Шу йил 1 июлдан бошлаб янги — тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди.

— Энди мавзуни истеъмолчилар ҳуқуқларига қаратсак. Ҳозирда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги Қонун талаблари сотувчи, ижрочи, ишлаб чиқарувчилар томони-

тартибда жарима солиш ҳуқуқига эга эди. Энди «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»-ги Президент Фармонида мувофиқ тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари ўз кучини сақлаб қолди. Бундай ҳуқуқий таъсир чораларига фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа хавфхатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш, жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳол-

лари аниқланганда «банклардаги ҳисоб варақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, солиқ ва йиғимларни тўлаш мuddатини ўтказиб юборилган учун пеня ҳисоб-малал»нинг амал қилишини кўпи билан ўн иш кунигача мuddатга тўхтатиб қўйиш, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг комиссиялари ва Марказий банк томонидан бериладиган лицензияларни исталган мuddатда тўхтатиб қўйиш, шунингдек, амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш кабилар кирди.

— Қонунга мувофиқ истеъмолчи товар харид қилиш ва хизматдан фойдаланиш пайтида ўз ҳуқуқини мустақил химоя қилишга ҳақли. Сўзсиз, бунинг учун ўз ҳуқуқини, химоя қилиш усули, ёрдам ва маслаҳат учун қаерга мурожаат қилишини билиши керак...

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш қонунчилиги доирасида давлат назорати функцияси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

қўмитаси билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмиталарига юклатилган. Шу билан бирга, истеъмолчилар манфаатини жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, туман, шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари, вилоятлардаги худудий бирлашмалари ҳамда республика истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси химоя қилди.

Қонунлар ижросини таъминлаш мақсадига қўйилган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг таъсир кучини янада ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиниб, унинг мақсад ва моҳияти ички истеъмол бозорига сифати паст, инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф тўғривчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштиришга қаратилган.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Бугуннинг гапи

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!»

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 2-12 сентябрь кунлари мамлакатимизда аънаваний «Диққат, болалар!» ҳаракат хавфсизлиги ўн кунлиги ўтказилмоқда. Белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати назоратчи томонидан мактабларга яқин жойлардаги ер ости ва усти йўллари, ҳаракат хавфсизлигини тартибга солувчи мосламалар ҳамда бошқа йўл белгилари кўздан кеңириляпти. Мамлакатимиздаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига ички ишлар ходимлари бириктирилиб, улар кўмағида 17 соатлик дастур бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Вилоятимиздаги мавжуд мингдан зиёд мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доимий назоратга олинган. Бир неча минг нусхадаги мурожаатнома ва чақириклар тарқатилди. Халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ўн кунлик давомида болалар билан амалий машғулотлар ҳам ўтказилмоқда.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори.

«Пахта — 2005»

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 11 августдаги «2005 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ даладардаги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, шу жумладан, терим машиналари кучидан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида бир миллион 63 минг гектар майдондаги ғўзанинг барги сунъий тўктирилади.

Мазкур ҳужжатда дефолиацияни минтақаларнинг иқлим шароитига қараб йиғирманчи сентябрга қадар ўтказиш кўрсатиб ўтилган. Бу муҳим агротехник тадбирнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига, белгиланган мuddатда тегишли майдонларда дефолиантларни ишлатиш меъёриларига қатъий риоя этилишига муҳим аҳамият бериш зарурлиги таъкидланган.

Бу агротехник тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши кўсақларнинг ёппасига очилишига, етиштирилган ҳосилнинг ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олинишига, айна вақтда хомашё юқори навларга сотилиб, даромаднинг ортисига имкон яратди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларига, айна кунларда пахтазорларда тўпланган ҳосилни қисқа фурсатда ва сифатли йиғиштириб олишни, пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлашни ниҳоятда етказиб, ҳосили пишиб етилган майдонларни дефолиация қилиш борасидаги ишлар тобора авж олмақда.

Ғўза дефолиациясининг боришига оид тезкор маълумотга қараганда, айна кунгача уч юз минг гектардан ортиқроқ майдон дефолиациядан чиқарилган. Бу — режалаштирилган майдоннинг 32 фоизини ташкил этади. Ҳар кун икки ярим мингдан ортиқроқ ОВХ агрегатлари унумли ишлатилиб, режанинг 5-6 фоизи миқдоридидаги майдон дефолиация қилинмоқда. Бунда ғўза баргига мўътадил таъсир этувчи, атроф-муҳит учун зарари кам магний хлориди, «Сардор», «Сихат» каби дефолиантлардан кенг фойдаланилган.

О. НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Пахтакорларимизнинг машаққатли меҳнати туфайли вилоятимиз даладаридида мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилмоқда. Уни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш навбатдаги долзарб вазифадир.

Пахта етиштириш қанчалек долзарб бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан ёнгиндан сақлаш ҳам шунчалек муҳимдир. Ёнгин тилсиз ёв эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Айрим қишлоқларнинг лоқайдлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошиши туфайли ёнгин ёндошиши ва оқибатда катта меҳнат қилиб етиштирилган пахта ёниб, кулга айланиши ҳеч гап эмас.

Тошкент вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари жойларда пахта ҳосилини териб олиш, ташвиқ, сақлаш ва қайта ишлаш мавсумини муваффақиятли ўтказишда ёнгин хавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида суҳбатлар ўтказишляпти.

Пахта териш машиналари, трактор хайдовчилари, уларнинг ёрдамчилари ва йиғим-теримга жалб қилинган бошқа ходимлар ёнгинга қарши махсус йўриқномадан ўтишлари шарт. Ушбу йўриқнома ўтмаган ходимларнинг йиғим-терим ишларида қатнашиши ман этилади.

Терим машиналари, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун ушлагич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан ҳижолашни лозим. Мой, ёқилги томади, электр ускуналари носоз ва учун ўчиригичлар

ўрнатилмаган машиналардан фойдаланиш тақиқланади. Пахта хом ашёси ортинган трактор элечиларининг усти брезент билан ёпилган бўлиши керак.

Пахта териш машиналари транспорт воситаларини бошқараётганда, пахта даладаридида, хом ашё сақланадиган жойларда чеккиш ва очик оловдан фойдаланиш, бункерлари хом ашё билан тўлдирилган пахта териш машиналарига ёқилги қуйиш ва даладарда қолдириш ман этилади. Теримчиларнинг ётоқхоналарида носоз ва вақтинчалик электр силмалардан фойдаланиш, қозғов ва латталар билан электр лампаларини ёпиш, кийим-кечак ва бошқа буюмларни электр силмаларга ёпиш, чеккиш, очик оловдан, овқат тайёрлаш ва хоналарни иситиш учун электр асбобларидан фойдаланиш, шағам ва гугурт билан хоналарни ёриш, тез ёнувчан суюқликлар билан печкаларни ёқиш тақиқланади.

Ёнгиннинг олдини олиш пахта тераётганларнинг ҳам, хирмонда, тайёрлов пунктида ишлаётганларнинг ҳам, хом ашёни қайта ишлайдиганларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Р. СУЛАЙМАНОВА, вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

«TextileEXPO UZBEKISTAN 2005» КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги «Ўзэкспонарказда» «Енгил саноят учун текстил, технология ва ускуналар» деб номланган иккинчи «TextileExpo Uzbekistan 2005» халқаро кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма иккинчи бор намоиш этилиб, у «Ўзбекистон саноят» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноят палатаси ҳамда Буюк Британиянинг ITE Group Plc ва ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди. Мутахассислар ушбу кўргазманинг нуфузи ва кўлами ўтган йилдагисига нисбатан анча ошганлигини эътироф этишмоқда. Масалан, биринчи кўргазмада 14

та давлатдан 70 тадан ортиқ компания широк этган бўлса, бу галгисидида Япония, Хиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Корея, Хитой, Испания, Туркия, Швеция, Швейцария, Бельгия, Австрия каби дунёнинг 19 мамлакатларининг юздан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Кўргазмадан жаҳон бозоридида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган маҳаллий ҳамда чет эл компанияларининг тўқув, тикув махсулотлари ҳамда замонавий ускуналари жой олган.

«Туркистон-пресс».



Мустақиллик байрами кунлари Чиноз туманидаги «Мустан» автосервис хизмати шахобчаси фойдаланишига топширилди. Аҳоли талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ушбу шахобча туман марказида қад ростлади. Бу ердаги хизматларнинг олтинчи фойза автоматлаштирилган бўлиб, техника ва технологиялар Италиядан келтирилган.

Ҳозирги кунда шахобчада 10 киши иш билан таъминланган. Улар кунига 50-60 та турли русумли автомобилларни таъмирламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: «Мустан» автосервис хизмати шахобчасининг кўриниши; уста Дилшод Абдуллаев навбатдаги топшириқни сифатли бажарганидан мамун.

Даврон АХМАД олган сурактлар.

ҚИРГИЗИСТОН СИЁСАТИДА ЎЗБЕКISTON ОМИЛИ

да. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айнан ушбу жиноятчиларга нисбатан жорий йилнинг июнида Қирғизистон Республикаси Бош прокуратурасига уларни топшириш тўғрисида сўровнома жўнатган эди.

Кейинчалик ҳар икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ўртасида жиний кирдикорлари учун айбланаётган шахсларнинг тартибсизликларга дахлдорлигини текшириш бўйича ҳамкорликдаги тезкор тергов гуруҳини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди. Республикаимиз Бош прокуратураси қочқинларни қўшни мамлакат ҳукуматига топшириш зарурлиги ҳақида Қирғизистон жамоатчилиги фикрини шакллантириш бўйича кенг қўламли тарғибот ишларини ҳам олиб борди. Бу борада телевидение орқали ўзбекистонлик ҳамкасблар томонидан юборилган видеоматериаллар намоиш этилди. Бу материалларда айбланаётганларнинг қўлларида қурол тутган ҳолати ақ эътирилган бўлиб, тинч қочқинларга асло ўшамасди. Боз устига, уларнинг айримлари давлат chegarасидан қўлда қурол билан ўтган. Бирок кейинчалик мамлакатимиз учун депр-ли аънавага айланган қолган тарзда — мантисиз ва папартиш воқеалар содир бўлди. Халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимизга бир неча бор келиб, уларни хўжайинларча тутган ҳолда раҳбарларимизга тегишли кўрсатмалар берди ва Тошкент кайтаришини талаб қилаётган шахслар сонини 15 кишигача камайтирди. Энди эса уларни ҳам учинчи мамлакатларга олиб чиқиб кетишига тайёргарлик қўрилмақда. Шундай қилиб, қўшниларимизга бизни лафсизликда айблаш учун сабаб топиб бердик.

Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг охириги мажлисида боз прокурор Азимбек Бекназаров бу ерда қолган қочқинлар масаласини сиёсий жўнатдан ҳал қилишни тақлиф этди ёки уларни судлик билан Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига топширишга чакирди. Президент эса бу муаммони кейинроқ ва

бошқа ерда ҳал қилиш тўғрисидаги фикрда туриб олди. Ушдаги тергов изоляторидида ўтирган шахслар алақачон савдо воситасига айланганини ҳамма яхши билади. Фақат бир нарса тушунарсиз — бу воқеа тафсилотлари нима учун кенг жамоатчиликдан сир тўтилмақда?

Шу нарса аниқки, Қирғизистон ҳар қандай ҳолатда ҳам ниманидир бой бериши мукддир. Гуманизмни танлаб, газсиз қолади. Ақаев раҳбарлиги даврида, навбатдаги Ўзбекистон-Қирғизистон муносабати кескинлашган пайтда газни узатиш тўхтатиб қўйилгани эсимда. Ваҳоланки, ўша пайтда газ учун қарздорлик бўлмаган. Бирок, у томон бунга қандайдир аварияни сабаб қилиб кўрсатди. Демак, шунинг эсдан чиқармаслигини лозимки, Ўзбекистоннинг «зангори олови» биз учун товар эмас, балки ўзаро муносабатлардаги мавқеимиз рейтингининг ўзига хос кўрсаткичи саналади.

Агар газни танласа, Қирғизистоннинг Евроиттifoқ ва НАТО билан ораси бузилиб, молиявий жарима санкциялари қўлланиши ва бундан баттар ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда раҳбарларимизга осон туриб бўлмайдди. Холбуки, улар бугун халқ билан бирлигини намоиш этиши ва унга ўз фикрини билдириш учун имкон бериши керак. Чунки, у ёки бу мамлакат билан муносабатларнинг ёмонлашуви жабрини халқ ортади. Президент қароргоҳи ва албатта, сиёсий намоёнларнинг маҳабатли саройларида газ таъминоти ва бошқа муаммолар бўлмайдди. Халқ эса совқотиб, оч-наҳор ўтираверади ва бу биринчи марта эмас. Лекин ҳеч бўлмаса, бунинг сабаби нимада эканлигини билиб оламиз.

Умуман олганда, ҳукумати-миз юрифтадан ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги ортинча махфиятлик жонга тегди. Қисман бунинг тушунини мумкин. Чунки бизда ҳукм сурган чала демократия шароитида муҳолифат, шубҳасиз, ярим махфият ҳолда иш юритишга қўнчиқ қолган. Лекин кеңаги муҳолифат — бугун қонуний ҳукуматга айланган ва шу боис бундай одатлардан тезроқ қутулиши керак.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Берлинда сайёҳлик тақдимоти

Берлинда Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси билан Германиянинг «Интегрон» туризм ва сиёсат бўйича институти ҳамкорлигида ташкил этилган мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тақдимот Германиянинг қатор етакчи оммавий ахборот воситалари ва йирик сайёҳлик компанияларини Ўзбекистон сайёҳлик саноятининг бугунги

аҳволи ва ривожланиш истиқболлари билан кенг таништириш мақсадида ташкил этилди.

«Ҳаҳон» АА.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2005 йил 11 октябрь кунини соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

- 1. Зангиота тумани хўжалик ҳисобидида «Тиббий кўрик поликлиникаси» жойлашган, Зангиота туман ҳокимиятига қарашли, Зангиота тумани Ошонгузар қўргони, Н. Хожимов кўчаси, 18-сонли турар жой биносининг биринчи қаватидаги нотурар жой майдонининг 194,11 кв.м.га тенг бўлган қисми.
Бошланғич баҳоси — 4613,4 АҚШ доллари (тўлов ЎзР Марказий банкнинг объектининг сотилган кунидида курси бўйича амалга оширилади).
2. Охангарон шаҳар Давлат солиқ инспекциясига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ВА3-21061» русумли, давлат рақами 11 АА 782 бўлган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 1 242 700 сўм.

Автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Сотувга қўйилган ушбу мулклар сотилмаган тақдирда 2005 йил 11, 18, 25 октябрь ва 1, 8, 15, 22, 29 ноябрь кунлари соат 12.00 да бўладиган аукцион савдосига ўтказилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.
Телефон: 133-28-52, факс: 133-43-73.

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЧАНГИЛИКЛАР ТАБИАТДАН ЭҲСОН КУТИШМАЙДИ

Паркент деганда, ҳар боши саватта сифмайдиған, ҳар шингили томоқни қирадиган тилларанг, ширин-шакар узум навлари кўпчилигининг кўз олдиди гавдаланади. Бу тоғли ҳудудда ҳам ҳўраки, ҳам мусалласбон узумнинг энг сара навларини миришкорлик билан парваришлаб, мўл ва сархил ҳосил етиштирадиган соҳибкорлар оз эмас. Хусусан, «Чанги» ширкат ҳўжалигида ҳам мана-ман деган миришкорлар кўлаб топилди. Шуларнинг сая-ҳаракатлари билан ҳар йили мўл ва сифатли узум етиштирилиб, истеъмолчилар билан тузилган шартнома мажбуриятлари ортғи билан бажарилади.

Жумладан, ўтган йилги мавсумда ҳўжалик пудратчилари фақат узумнинг ўзидан 238 миллион 672 минг сўм даромад кўришди. Бу маблагнинг ярмидан кўпи, аниқ қилиб айтадиган бўлсак, 123 миллион 396 минг сўми соф фойдага қолди.

Шуниси диққатга сазоворки, меҳнатдан келаётган ана шу бойлик, уни яратадиганлар турмушини фаровонлаштиришга сарфлана-япти. Чанги қишлоғида 6 километр узунликда янги ичимлик суви қувурлари тортилди. Ҳудудда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган врачлик пункти ишлаб турибди. У ҳам шу даромад, яъни ҳўжалик маблаг ҳисобидан қурилиб, аъзоларнинг саломатлиги учун хизмат қилаяпти.

Энг муҳими, соф фойданинг бир қисми аъзоларнинг ўзига дивиденд сифатида тарқатилади. Бундан ташқари байрамлар олдидан кам таъминланган оилаларга қишлоқ ҳўжалик ҳамда бошқа озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Масалан, Мустақилликнинг 14 йиллиги байрами арафасида 200 оилага пуллик ёрдам кўрсатилди.

Ҳўжаликнинг жами тоқзори 407 гектар. Шундан 350 гектари ҳосилли. Қолган 57 гектари йилма-йил ҳосилга кириб борадиган янги тоқзорлар. Жами 558 оилавий пудратчи қишлоқ, тоифи, ҳўсайни каби ҳўраки ҳамда Пено ва Баян-Шибей каби винобон узум навларини шартнома асосида парвариш қилади.

Чангиликлар ҳар доимгидек, бу йил кўламда ҳам яхши ният билан, мўл ҳосил ва мўмай даромадни кўзлаб ишга киришган эдилар. Лекин...

— Афсуски, табиат ҳар доим ҳам меҳнаткашга қайишавермайди, — дейди ҳўжалик бош ҳосилоти Фарҳод Жўраев. — Айниқса, бизнинг табиий-иклим шароитида табиатдан эҳсон кутиб бўлмайди. Шимолий мин-

тақа бўлгани боис, бизга баҳор кечроқ келади. Бунинг устига кўлам об-ҳавоси жуда беқарор бўлади. Мана, бу йил ҳам 12-13 апрель кунлари 70-80 фоиз тоқларимизни совуқ уриб кетди. Бироқ, бу биз учун янгилик эмас, табиатнинг бундай инжиқликлари тез-тез такрорланиб туради. Айтмоқчиманки, соҳибкорларимиз бунга кўникиб кетишган ва табиий офат оқибатларини қандай бартараф этиш йўлларини яхши билишади.


Дарҳақиқат, пудратчилар энг шимариб ишга киришдилар. Ҳар гектар тоқзорга 100 килограмдан аммофос, 3 тоннадан гўнг берилиб, суғорилди. Натижада янги новдалар тез ўсиб чиқиб, ҳосил тунчалари пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг парвариш янада кучайтирилди. Кейинчалик турли касаллик ва зараркунандаларга қарши вазиятга қараб, олтингугурт ва ИСО дориси сегиб турилди.

Табиийки, офат келтирган зарарнинг ўрнини юз фоиз қоплаб бўлмайди, албатта. Хусусан, бу йил анча кеч, яъни 10 августдан узум узишга киришилди. Ҳосилнинг энг сархили Тошкент шаҳрида ташкил этилган мева-сабзавот ярмаркаларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Шунингдек, «Паркент-Греда» қўшма корхонаси билан тузилган шартномага мувофиқ вақтида маҳсулот жўнатиб турилади.

— Бемаврид келган совуқ ярим ҳосилимиздан маҳрум қилди, — деди бош ҳосилот. — Бироқ камида 50 миллион сўм соф фойда кўришимиз аниқ.

**Абдусамат Йўлдошев,**  
**«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**  
**СУРАТДА:** бош ҳосилот Фарҳод Жўраев пудратчи Дилфуза Хожимурадовага тоқзорда пишиб етилган қишлоқнинг савдо ярмаркасида жўнатишни маслаҳат бераяпти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Тахририятимизга келаётган мактублардан шуни кўриш мумкинки, бугун ҳеч ким газетга нисбатан бепарво эмас. Унда босилаётган мақолаларнинг мазмун-моҳияти, қаламга олинаётган янги мавзулар газетхонларда қизиқиш уйғотмоқда. Мактубот қачонки ўқувчиларда фикр-мулоҳаза уйғота олса, у ўз вазифасини адо этган бўлади. Шундагина, ўқувчида ўша мактубот нашрига нисбатан муносабат ўзгаради, унга яқинлашишга интилади. Ўз мулоҳазалари ва нуқтаи-назарларини унда баён этишга ҳаракат қилади.

## МЕН ҲАМ ҲОРДИҚ ЧИҚАРСАМ, ДЕВДИМ

Мен биринчи гуруҳ ногирониман. Тақдир экан, тўққиз йилдирки, бир тўшаққа михлиб қолганман.

Ҳукумат қонунларига мувофиқ мен кабиларга хордиқ чиқариш ва саломатликни тиклаш учун ҳар икки йилда бир марта санаторий-профилакторийларга йўланма берилиши керак экан. Бироқ, бу масалада ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсам, бир жойда ётиб қолганингиз учун сизни санаторийларга қабул қилмайди, деб йўланма беришмайди.

Ахир, биз каби ногиронлар ҳам давлат рўйхатида турамиз. Ҳукуматимиз томонидан биз учун ҳам маблаг ажратилиши керак...

Шундай экан мен ҳам бирор оромгоҳда хордиқ чиқариб, саломатлигимни бироз бўлсада тиклаб қайтсам, дейман.

**Ёқуб РАҲМОНҚУЛОВ,**  
**Пскент тумани.**

Тахририят ушбу масала юзасидан вилоят касаб-ушумалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди ва кенгаш раиси Муҳайё Тулаганова имзоси билан жавоб хати олди.

Унда маълум қилинишича, Ўзбекистон касаб-ушумалари Федерацияси кенгашининг 1999 йил 9 декабрдаги «Ижтимоий суғурта бадалли ҳисобидан соғломлаштириш учун йўланмалар бериш тартиби тўғрисида»ги қарорига биноан йўланмалар ишчиларга уларнинг иш жойларидаги касаб-ушумалари ташкилотлари орқали берилиши кўрсатилган. Ишга яроқсиз ёки ишламаётган, ногирон, нафақа ёшидаги кишилар эса ўзларининг тураржойларидаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, улар орқали санаторийларга йўланма олишлари лозим.

Ушбу масалага мутасадди бўлган

юқори ташкилотдан олинган жавобга асосланиб шуни айтиш мумкинки, сиз ҳар қандай вазиятда ўзингиз яшаб турган жойнинг ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, йўланма орқали санаторий ва профилакторийларда хордиқ чиқаришингиз мумкин.

Газетани саҳифалаш жараёнида Ёқуб Раҳмонқулов шикоят юзасидан Пскент тумани ҳокими ўринбосари Ж. Марипов имзоси билан ҳам жавоб хати олинди. Унда шикоят муаллифининг яшаш шароити, ижтимоий аҳоли ва бугунги кунда унинг учун яратилган имкониятлар ҳақида маълум қилинган. Шунингдек, жавобда айтилишича, амалдаги қонунларга асосан ишламаётган пенсионер ва ногиронлар ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиш учун расман ариза билан мурожаат қилиш-

лари лозим. Аризада сиҳаттоҳ номи аниқ кўрсатилган бўлиши ва унга беморнинг касаллигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома ҳам илова қилиниши керак.

Шундагина ижтимоий таъминот бўлимида томонидан улар рўйхатга олинади ва навбати билан сиҳаттоҳларга йўланма берилди. Фуқаро Ёқуб Раҳмонқулов ана шу тартибда мутасадди ташкилотга мурожаат қилмаган.

Яна жавоб хатида маълум қилингандек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасаруфидидаги Олтиариқ, Қосонсой ва Товоқсой сиҳаттоҳларида фақат ўз-ўзига хизмат кўрсата оладиган пенсионер ва ногиронлар хордиқ чиқаришлари, давола-нишлари мумкин. Уруш қатнашчилари ва кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронлари кузатиб боруви билан биргаликда қабул қилинадилар.

## ЎПКАНИНГ КУШАНДАСИ

Чекининг зарари ҳақида кўп ва кўп гапирилади. Бироқ, негадир бу куруқ гапчилига қолиб кетаверади. Наҳотки, бу иллатнинг инсон ҳаёти учун нақадар зарарли эканлигини тушуниш ва ундан қутилиш шунчалар қийин бўлса?

Бир синфдош дўстим бор. У болалигидан сигарета чекади. Ҳозир казо-казолардан бўлган бу дўстим сурункали йўталга чалинган. Баъзан нафас ололмай қолади. Чекишни ташлагани, деб маслаҳат берас, ўраниб қолганман, қутилолмаяман, деб баҳона қилади.

Аммо, яна бир дўстимиз 20 йил давомидида сигарета чекиб, бир ойда бу одатдан воз кечди. Ҳозир унинг айтишича, соғлиги жойида экан.

Бу икки ҳолатдан шуни кўриш мумкинки, инсон ўз иродаси билан иш тутса ва ўзига ишонса, нима зарару нима фойда эканлигини аниқлаб етса, албатта, ҳар қандай қусурлардан қутилади.

**Ёркин РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## АНТИҚА ҚАЛЛОБЛИК

Юмуш билан шаҳар ташкилотларидан бирига бордик. Шерикларимиз ишни битириш учун ичкарига кириб кетишди. Биз эса ҳайдовчи билан қўлда қолдик. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирган эдик, олдимида икки аёл келди. Салом-алиқдан кейин улардан бири мударрага ўтди.

— Ака, анави ерда машинамиз бузилди қолди. Қўнға пулсиз қиқиб-миз, шунинг учун таксига пул бериб турсаларингиз.

— Қанча бериб турайлик, — сўради.

— Икки минг бўлса, уйга етиб олардик.

Менинг аёлларга раҳимим келди, чўнтагимдан пул чиқармоқчи эдим, ҳайдовчимиз имлаб, мени тўхтатди. — Машинангиз бузилган бўлса ёрдам беришимиз мумкин, — деди ҳайдовчи.

— Ҳозир эримга телефон қилдим, машинани ўзлари олиб кетадилар. Биз уйга етиб олсак бўлди, — деди аёллардан бири.

Ҳайдовчи уларга икки юз сўм пул тутқазди. Улардан бири пулни олди, аммо камлигини кўриб, қайтариб берди...

Аёлларнинг ортидан кузатиб турдик. Биз билан юз берган воқеа нарироқда бошқалар билан яна такрорланди. — Қўнғада қаллоблар кўпайиб кетди. Энди пул ишлашнинг янги йўлини топилди, — деди ҳайдовчи хўрсиниб. — Сенга қўйиб берса, ҳе йўқ-бе йўқ, икки минг бериб юбормоқчисан. Ахир булар фирт қаллобларку. Одамларни лақиллатиб, пулни шилиб юради.

**Раҳматилла ҲОЗИЕВ,**  
**Тошкент шаҳри.**

**Материаллари**  
**Рааван ЁҚУБЖОНОВ**  
**тайёрлаган.**

## ФАРЗАНДА ДОҒИ ИЗТИРОБЛАРИ

«Ўғлим Хуршид Жунусов 1999 йилдан бунён Бўстонлик тумани электр тармоқларида ишлаб келаётган эди. 2004 йилда туман электр тармоқларининг Ҳазратқўли бўлимига уста бўлиб ишга кирганди. Ўша йилнинг 8 ноябрь кўни ўғлим бир объектда таъмирлаш ишларини олиб бораётган пайтда тармоқ бош муҳандиси Маҳсумхўжа Каттахўжаев уни бошқа электр тармоғида узилиш содир бўлгани учун ишга қақиртиради.

Ўғлим ўша ерда вази-фасини бажара туриб, ток уриб оламдан ўтди. Бу ҳодиса рўй берган захоти эшитдим-у, ўша ёққа чопдим. Ўғлим қўллари қуйган ҳолда ерда ётарди. Шифокорлар уни аллақачон оламдан ўтганлигини айтишди...

Алам ва изтироб билан ёзилган шикоят мактуби муаллифи, Ҳазратқўли Холита Жунусова ўғлининг қотиллари жазоланишини, ҳақиқат қарор топишини истади. Бунинг учун эса бир қатор важдарни келтирди. Хусусан, суриштирувлар давомида ўғли оламдан ўтганлиги аниқ-

ланганлигини, аслида эса Хуршид ҳеч қачон юрагидан шикоят қилмаганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, ўғлининг ўлимини эшитиб, хушини йўқотиб қўйган вақтда унга қандайдир ҳужжатларга қўл қўйдириб олишганини ҳам айтиди ва бу фожиада бош муҳандис Маҳсумхўжа Каттахўжаевнинг қўли борлигини ҳам кистириб ўтади...

Тахририят ушбу ҳолат бўйича вилоят прокуратурасига мурожаат қилди ва прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи Х. Ҳамда-

мов имзоси билан жавоб хати олди. Унда маълум қилинишича, маъзур ҳолат бўйича прокуратура ҳодимлари томонидан тергов олди текширув ҳаракатлари ўтказилган. Натижада Х. Жунусовнинг ўлими юзасидан бирор шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари топилмаган. Судга оид тиббий экспертизанинг 2004 йил ноябрдаги 405-И-сонли ҳушасосига қўра фуқаро Хуршид Жунусов «юрак ишемик ҳас-талиги оқибатида келиб чиққан ўткир қон томирлари етишмовчилиги»дан ва-фот этган.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**I. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2145-сонли фармойиши асосидаги «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби»га биноан қўйидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг директорлари лавозимига танлов эълон қилади:**

1. Уртачирчиқ тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига;
2. Янгийўл шаҳар маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
3. Чирчиқ шаҳар академик лицейига;
4. Бекобод тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига;

**II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомининг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қўйидаги академик лицей ва касб-хунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:**

1. Бўха тумани Ҳўжақўрғон педагогика коллежига;
2. Қибрай тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига;
3. Қибрай тумани Байтқўрғон хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
4. Чирчиқ шаҳар академик лицейига;
5. Чиноз тумани Олмазор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига;
6. Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маиший хизмат касб-хунар коллежига;
7. Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари коллежига;
8. Пскент тумани Муротали хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
9. Чиноз тумани хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-хунар коллежига;
10. Юқоричирчиқ тумани Жумабозор ижтимоий педагогика коллежига;
11. Пскент тумани қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежига.

**III. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомининг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қўйидаги академик лицей ва касб-хунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:**

1. Бўха тумани Ҳўжақўрғон педагогика коллежига;
2. Олмалик шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
3. Чирчиқ шаҳар академик лицейига;
4. Чиноз тумани Олмазор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига;
5. Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
6. Пскент тумани Муротали хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
7. Чиноз тумани хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-хунар коллежига;
8. Юқоричирчиқ тумани Жумабозор ижтимоий педагогика коллежига;
9. Пскент тумани қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежига.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомининг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қўйидаги академик лицей ва касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш (амалиёт) ишлари бўйича ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:**

1. Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
2. Бўха тумани Ҳўжақўрғон педагогика коллежига;
3. Олмалик шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
4. Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
5. Пскент тумани Муротали хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига;
6. Чиноз тумани хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-хунар коллежига;
7. Юқоричирчиқ тумани Жумабозор ижтимоий педагогика коллежига.

**Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Шаҳар (туман) ҳокимиятидан тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро нусхаси
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеро нусхаси (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлари ва иктиролари рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (4 дона)
9. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича иктибий шаклда ёзган режиси (концепция)
10. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеро нусхаси
11. Паспортнинг ксеро нусхаси (турар-жойи билан)
12. Шаҳар ИИБдан маълумотнома (справка).

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида қабул қилинади.**

**Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони.  
**Телефонлар:** 66-09-59; 66-16-51.

**Компания «DAWSON HOLDINGS LLC»** обявляе<sup>т</sup> о намерении приобрести акции в размере 100 % от УФ «TASH-GIPROGOR».

**ООО «RANADI»** Мирзо-Улугбекского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 5955000 сумов до 5352000 сумов.

